

Рўзиев Анвар Жуманазарович

Ruziev Anvar Jumanazarovich

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти в.б (PhD).

Жиззах Политехника Институту

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ
МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Аннотация: Мақолада аجدодларимиз мероси ва унинг энг ёрқин дурдоналарининг моҳияти ҳамда уларнинг ёшларимизни миллий руҳиятига тарғиб-ташвиқ қилиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: тарих, миллий ўзликни англаш, ёшлар, тарихий дунёқараш, маънавий таҳдид, миллий тараққиёт, аجدодлар мероси, жамият.

**THE IMPORTANCE OF THE SPIRITUAL HERITAGE OF OUR
THINKERS IN THE UNDERSTANDING OF THE NATIONAL IDENTITY**

Annotation: the article covers the heritage of our ancestors and the essence of its brightest masterpieces, as well as the issues of promoting and encouraging our youth to their national psyche.

Keywords: history, national identity awareness, youth, historical worldview, spiritual threat, National Development, ancestral heritage, society.

Кўхна тарихимизни кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни англаган бўламиз яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан биз ўсиб улғаяётган маънавий замин билан ҳамнафас ҳолда тарихда ҳам, ҳозирда ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатларда шаклланганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари ўтган замонларда ва бугунда ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Бироқ, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик

ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олиш-Бизнинг асосий вазифамиздир"-деб таъкидлайди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев [1.1-бет]

Глобаллашув ва маънавий хуруж ҳамда инсоннинг онги-қалби учун кураш кетаётган ҳозирги шароитда ворисийлик асосида миллий тафаккуримизни аждодларимизнинг асарлари ва уларда илгари сурилган ноёб ғоялар билан тўлдириш ҳар қандай ижтимоий муаммоларга нисбатан муносиб қалқон вазифасини ўташи табиий. Бу борада айрим мутафаккирларимизнинг илмий ижод намуналаридан лавҳалар келтириб, уларнинг бугунги кун учун нечоғли аҳамиятли эканлигини кўриб чиқамиз.

Жумладан, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани умуминсоний тараққиёт ривожига қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Мусо Хоразмий ҳақида гап кетар экан мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов "Одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади"-деб таъкидлаган эди. [2. 23-бет]

Яна бир улуғ аждодимиз-Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намоёнчаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқарашини ва маънавиятининг ривожланишига шу билан бир қаторда ўз даврида астраномия фанининг ривожига беқиёс таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Аҳмад Фарғонийнинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастур амал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум. Алломанинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» номли асари XII-асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир". [3.13-бет] Аҳмад Фарғоний бутун Шарқ

дунёсида астрономия фанинг устози бўлиш билан бир қаторда, Европада Аль-Фраганус номи билан машхур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожига нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди.

Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи, бутун Шарк оламининг алломаси, бу Абу Райхон Берунийдир. Унинг илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машхур аллома, табобат оламининг султони Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларида бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида «Медицина», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, “Абу Али Ибн Синонинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор” [4. 31-бет] Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами ва шахси хусусида фикр юритар эканмиз, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиий ҳолдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу буюк сиймо, буюк салтанат барпо этиб қолмай, балки, давлатчилик борасида ўзидан улкан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Фикримизнинг исботи сифатида муҳтарам юртбошимизнинг Амир Темур шахси хусусида қуйидаги фикрларини келтиришни жоиз деб ўйлайман, “Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч

ҳосил қилганман. Масалан, «Ғажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён». 5 [24-бет]

Юқорида зикр этилган мисолларни умумлаштирган ҳолда, муҳим бир фикрни хулоса тариқасида таъкидлаш зарурки, бизнинг ҳар биримиз буюк тарихимиз, буюк маънавий меросимиз, айти чоғда жаҳон маънавий тамаддунига улкан ҳисса қўшган, бир-биридан улуғ мутафаккир олим фузалоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва уларга муносиб бўлишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб билмоғимиз зарур.

Зеро, ҳар қандай дарахтнинг қандай гуллаши ва қандай мева бериши унинг илдизлари туташган тупроққа боғлиқ. Бўш жойда ҳеч нарса унмайди. Шундай экан, бизнинг ижтимоий-маънавий тараққиётга ва улкан ғалабаларга эришмоғимиз учун албатта, катта маданий анъана ва маданий мерос керак. Мана шундай тарихий дунёқарашга асос бўладиган маънавий мероснинг бизга қолдирганлар эса бизнинг бобокалонларимиз бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
2. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.
3. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
4. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlardan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.

5. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
6. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
7. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
8. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
9. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
10. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. integration of science, education and practice. *scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
11. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya, 1(2), 69-73.
12. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
13. Ruziyev, A. (2021). Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро диалектикаси. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (2), 187-193.
14. Рўзиев, А. (2020). Амир Темур қарашларида сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ақс этиши. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
15. Сафаров, А. И., & Ризаев, И. И. (2021). Этапы самоорганизации социальной системы. In *В поисках социальной истины* (pp. 237-242).
16. Аликулов С. А., Ризаев И. И. Синергетический анализа онтологической сущности процесса либерализации общества //Под общей редакцией. – 2022. – С. 280.